

Бахтиёр Саттаров
Муҳайёхон Ҳамидова

**ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ
ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ВА ЎТҚАЗИШ**

(МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР)

Бахтиёр Саттаров
Муҳайёхон Ҳамидова

**ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ
ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА
ЎТКАЗИШ
(МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР)**

Наманган-2020

Мазкур “Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва ўтказиш” номли методик тавсиялар БТ ва СТИ йўналиши талабалари учун тайёрланган бўлиб, талабаларнинг фанлар бўйича мустақил ишларни қай тарзда тайёрлаши, уни тайёрлашда нималарга амал қилиши кераклиги хусусида методик тавсия бериш вазифасини бажаради.

Масъул муҳаррир:

С.Сайдалиев

педагогика фанлари номзоди,
доцент

Такризчилар:

М.Нишонов

педагогика фанлари номзоди,
доцент

Х.Раҳматова

педагогика фанлари номзоди,
доцент

Б.Саттаров, М.Ҳамидова.

Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва ўтказиш (Методик тавсиялар).- Наманган, 2020.- 20 б.

1. Мустақил ишнинг умумий тавсифи.

Мамлакатимиз таълим тизимида ўтказилаётган ислохотлар Олий таълимнинг ўз олдига қўйган вазифаларидан бири – мутахассисни ўз-ўзини ривожлантиришга, мустақил билим олиш салоҳиятини такомиллаштиришга, инновацион фаолиятдан кенг қамровда фойдаланишга тайёрлашни тақозо этади. Белгиланган вазифани амалга ошириш учун фақат ўқитувчи томонидан бериладиган билимлар етарли бўлмайди, албатта. Шунинг учун кейинги йилларда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш орқали уларга мустақил билим олишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2009 йилнинг 14 августида ОЎМТВ 286-буйруғи асосида «Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома» жорий этилди.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича республикамиз олий таълим тизимида муайян тажриба тўпланди. Қуйида ана шундай тажрибаларга таянган ҳолда талабалар мустақил ишини ташкил этиш ҳақида фикр юритамиз.

Хўш, талабанинг мустақил иши деганда нималар тушунилади? Таъкидлаш жоизки, талабанинг таълим олишини замонавий усулларини эгаллашга, унинг ижодий қобилиятларини ўстиришга, фикрлаш тарзини такомиллаштиришга йўналтирилган. Фаолият, талабада мустақил фикр пайдо бўлишига, унинг билиш фаоллигига имкон берадиган ҳар қандай машғулот тури мустақил ишни ташкил этади. Тор маънода эса, талабанинг мустақил иши унинг аудитория ва ундан ташқарида, ўқитувчи раҳбарлиги остида ёки ўқитувчи иштирокисиз амалга ошириладиган мустақил мажмуини англатади.

Ўқишнинг бошланғич босқичларида ТМИни ташкил этиш бир қатор вазифалар билан боғлиқ. Айниқса, биринчи курс талабаларининг таълимнинг навбатдаги тури – олий таълим талабларига кўникиши қийин кечади. Чунки улар таълим олиш жараёнида ўз мустақил фаолиятларини

ташқил қилишни деярли билишмайди. Маълумотларни қайси манбадан, қандай қилиб топиш, уларни таҳлил қилиш ва зарурларини ажратиб олиб тартибга солиш, конспектлаштириш, ўз фикрини аниқ ва ёрқин ифодалаш, ўз вақтларини тўғри тақсимлаш, шунингдек, ақлий ва жисмоний имкониятларини тўғри баҳолаш улар учун катта муаммо бўлади. Энг асосийси, улар мустақил таълим олишга руҳан тайёр бўлишмайди.

Шунинг учун ҳар бир профессор-ўқитувчи дастлаб талабада ўз қобилияти ва ақлий имкониятларига ишонч уйғотиши, уларни сабр-тоқат билан, босқичма-босқич мустақил билим олишни тўғри ташқил қилишга ўргатиб бориши лозим бўлади. Талабалар томонидан мустақил равишда ўзлаштириладиган билим ва кўникмаларнинг курсдан-курса мураккаблашиб, кенгайиб боришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ташаббускорлиги ва ролини ошириб бориш зарур. Шунда мустақил таълимга кўника бошлаган талаба фақат ўқитувчи томонидан белгилаб берилган ишларни бажарибгина қолмай, ўзининг эҳтиёжи, қизиқиши ва қобилиятига қараб, ўзи зарур деб ҳисоблаган қўшимча билимларни ҳам мустақил равишда танлаб ўзлаштиришга ўрганиб боради.

Талабалар мустақил ишларининг шакли ва ҳажмини белгилашда қуйидаги жиҳатлар эътиборга олиниши лозим:

- ўқиш босқичи;
- муайян фаннинг ўзига хос хусусияти ва ўзлаштиришдаги қийинчилик даражаси;
- талабанинг қобилияти ҳамда назарий ва амалий тайёргарлик даражаси (таянч билими);
- фаннинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражаси;
- талабанинг ахборот манбалари билан ишлай олиш даражаси.

2. Мустақил ишни ташқил этишнинг мазмуни ва шакллари.

Талабаларнинг мустақил ишларини ташқил этишда унинг

мазмунни ва шакллари аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бунда қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратиш лозим: 1) аудитория машғулотида мустақил ишларнинг ролини ошириш; 2) талабаларни аудиториядан ташқари мустақил ишларини бажаришдаги фаолликларини ошириш. Аудитория машғулотида бажариладиган мустақил ишларнинг ролини ошириш профессор-ўқитувчилардан талабаларнинг юқори даражадаги мустақил ишларини ва тайёргарликларини таъминловчи усул ва шакллари ишлаб чиқишни тақозо этади. Ҳар бир ўқитувчи мустақил бажариш учун топшириқлар банки ва уларни бажариш учун тавсиялар тайёрлаши лозим. Албатта, топшириқлар банкини яратишда уларнинг мураккаблик даражаси инобатга олинishi лозим.

Талабаларнинг мустақил ишни бажариш жараёнидаги фаолликларини ошириш қатор омилларга боғлиқдир. Фикримизча, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Бажарилаётган мустақил ишнинг пировард натижаси ҳар бир профессор-ўқитувчи мустақил ишлар учун топшириқлар беришда унинг якуний моҳиятини тушунтириб бериши лозим. Агар талаба ўз ишининг натижаларини маъруза жараёнида методик қўлланмада, лаборатория ёки амалий машғулотларда, мақолалар тайёрлашда фойдаланиши мумкинлигини билса, шубҳасиз, у ишни сифатли бажаришга интилади.

2. Талабаларни илмий-тадқиқот муҳитига киритиш. Бу ерда ўқитувчи талабаларга адабиётлар устида мустақил ишлаш малакаси битирув малакавий иши ёзиш учун замин яратишини алоҳида таъкидлаши лозим.

3. Фан олимпиадаларида, илмий-тадқиқот ишларида, амалий ишлар танловларида иштирок этиш.

Республикамизда жорий этилган узлуксиз таълимнинг олий таълим босқичида талабалар мустақил ишнинг қуйидаги шаклларида фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Ўрганилаётган фаннинг бобларига оид берилган мавзу бўйича реферат, маъруза, очерк тайёрлаш.

2. Танланган фан бўйича иллюстратив материалларни тайёрлаш. Мавзу ўқитувчи томонидан берилади, унинг мазмуни, шакли ва ижроси талаба томонидан белгиланади.

3. Ҳажми, мураккаблиги, мазмуни талаба томонидан белгиланадиган илмий кроссвордлар, диаграммалар тузиш.

4. Замонавий олимнинг мақоласига, монографиясига, ёзувчининг асарига тақриз ёзиш.

5. Машқ ва масалаларни ишлаш, матнни таржима қилиш ёки қайта ҳикоялаш, жадваллар тузиш, график ишларни амалга ошириш, турли ҳисоб-китобларни амалга ошириш.


6. Талабаларни ташаббускорлик ва мустақилликни ривожлантиришга йўналтирилган индивидуал топшириқларни бажариш.

7. Курс ишлари, лойиҳаларини бажариш.

8. Илмий-амалий анжуманлар, олимпиадалар, кўрик танловларга тайёргарлик.

9. Танланган мавзу бўйича иншо ёзиш.

Юқорида баён этилган фикрлар асосида таъкидлаш лозимки, талабаларнинг мустақил ишларини шакллари аниқлашда қуйидаги омилларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир: 1) мустақил ишнинг бажарилиш жойи; 2) мустақил ишни бажариш усули; 3) бажариладиган топшириқ мазмуни. Кўрсатилган омилларга таянган ҳолда талабалар мустақил ишининг қуйидаги таснифини тақдим этамиз:



Талабалар мустақил ишини баҳолаш. ТМИ натижалари амалдаги “Олий таълим муассаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом”га асосан баҳолаб борилади.

Талабанинг мустақил иши маъруза, амалий машғулот, семинар

ёки лаборатория ишлари бўйича вазифа бериш жараёнида, ўқитувчи билан дарс жадвалидан ташқари пайтларда маслаҳат беришда, академик қарздорликни бартараф этишда топшириқлар бериш жараёнида, қолдирилган дарслар бўйича топшириқларни бажаришда, кутубхонада ижодий ишларни бажариш жараёнида амалга оширилади. Демак, талабанинг мустақил иши аудиторияда ҳам, ундан ташқарида ҳам бажарилиши мумкин. Аудиториядан ташқаридаги мустақил ишлар асосий ўрин тутди. Ҳар бир ўқитувчи мустақил ишлар режасини тузишда буни эътиборга олиши керак.

Аудиторияда бажариладиган мустақил ишлар асосан амалий машғулотлар жараёнида амалга оширилади. Амалий машғулотларнинг тенг ярмини, яъни жуфтликнинг 50% вақтини масала ва топшириқларни бажаришга ажратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бундай машғулот қуйидагича ташкил этилиши мумкин:

1. Ўқитувчининг кириш сўзи (машғулотнинг мақсади, асосий масалалар).
2. Тезкор сўров.
3. 1-2 масала ёки машқни доскада бажариш.
4. Масала ва топшириқларни мустақил бажариш.
5. Топшириқларни бажаришдаги хато ва камчиликлар устида ишлаш.

3. Талабалар мустақил ишининг методик таъминоти ва назорати.

Талабалар мустақил ишининг самарадорлиги унинг методик таъминоти билан боғлиқдир. Маърузалар матнлари, дарсликлар, ўқув ва методик адабиётлар, топшириқлар ва вазифалар банки, фан бўйича ахборот ресурслари мустақил ишнинг методик таъминотини ташкил этади.

Ҳозирги кунда талабалар мустақил ишини назорат қилишнинг

қуйидаги турлари мавжуд:

- кириш назорати. Бунда талабанинг фан ўрганишдан олдинги шу фан бўйича билим ва малакалари назорат қилинади;

- жорий назорат, яъни маъруза, амалий ёки лаборатория машғулотида материалнинг ўзлаштиришни мунтазам назорат қилинади;

- оралик назорат.

- якуний назорат.

Талабалар мустақил ишларининг натижалари ҳаракатдаги «Талабалар билим, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг рейтинг тизими» тўғрисидаги Низом талаблари асосида баҳоланади. Тажриба кўрсатмоқдаки, айрим профессор ўқитувчиларда бу борада англашилмовчиликлар мавжуд. Шунинг учун «Низом» талабларини қуйидаги тартибда бажаришни тавсия этамиз. Мустақил ишларнинг натижалари, асосан, жорий баҳолашда ҳисобга олинади. Бунинг учун ЖН га ажратилган 40 % баллнинг 10% мустақил иш учун ажратилади. Шу билан бир қаторда мустақил бажариш учун берилган топшириқларнинг муайян қисми ОБ ва ЯБ га ҳам киритилади ва баҳоланади.

Қуйида она тили фани бўйича айрим мустақил иш турларини бажариш бўйича топшириқ ва тавсиялар келтирилади.

Мавзуни мустақил ўзлаштириш. Фаннинг хусусияти, талабаларнинг билим даражаси ва қобилиятига қараб ишчи ўқув дастурига киритилган алоҳида мавзулар талабаларга мустақил равишда ўзлаштириш учун топширилади. Бунда мавзунинг асосий мазмунини ифодалаш ва очиб беришга хизмат қиладиган таянч иборалар, мавзуни тизимли баён қилишга хизмат қиладиган саволларга эътибор қаратиш, асосий адабиётлар ва ахборот манбаларини кўрсатиш лозим.

Топшириқни бажариш жараёнида талабалар мустақил равишда ўқув адабиётлардан фойдаланиб ушбу мавзуни конспектлаштирадilar, таянч ибораларнинг моҳиятини англаган ҳолда мавзуга тааллуқли

саволларга жавоб тайёрлайдилар. Зарур ҳолларда (ўзлаштириш қийин бўлса, саволлар пайдо бўлса, адабиётлар етишмаса, мавзунини тизимли баён эта олмасан ва ҳ.к.) ўқитувчилардан маслаҳатлар оладилар.

Мустақил ўзлаштирилган мавзу бўйича тайёрланган матн кафедрада ҳимоя қилинади.

Реферат тайёрлаш. Талабага қийинчилик даражаси унинг шахсий имкониятлари, қобилияти ва билим даражасига мувофиқ бўлган бирор мавзу бўйича реферат тайёрлаш топширилади. Бунда талаба асосий адабиётлардан ташқари қўшимча адабиётлардан (монографиялар, илмий, услубий мақолалар, Интернетдан олинган маълумотлар, электрон кутубхона материаллари ва ҳ.к.) фойдаланиб материаллар йиғилади, таҳлил қилади, тизимга солади ва мавзу бўйича имкон даражасида тўлиқ, кенг маълумот беришга ҳаракат қилади. Зарур ҳолларда ўқитувчидан маслаҳат ва кўрсатмалар олади.

Яқунланган реферат кафедрада экспертлар иштирокида ҳимоя қилинади.

Кўргазмали воситалар тайёрлаш. Талабага муайян мавзунини баён қилиш ва яхшироқ ўзлаштириш учун ёрдам берадиган кўргазмали материаллар (жадваллар, чизмалар, расмлар, хариталар, макетлар, моделлар, графиклар, намуналар, мусиқий асар, кичик бадиий асар ва ҳ.к.) тайёрлаш топширилади. Мавзу ўқитувчи томонидан аниқланиб, талабага маълум кўрсатмалар, йўл-йўриқлар берилади. Кўргазмали воситаларнинг миқдори, шакли ва мазмуни талаба томонидан мустақил танланади. Бундай вазифани бир мавзу бўйича бир неча талабага топшириш ҳам мумкин.

Талаба кўргазмали материаллардан фойдаланиш бўйича ёзма равишда тавсиялар тайёрлайди ва кафедрада ҳимоя қилади.

Мавзу бўйича тестлар, мунозарали саволлар ва топшириқлар тайёрлаш. Талабага муайян мавзу бўйича тестлар, қийинчилик даражаси ҳар хил бўлган масалалар ва топшириқлар, мунозарага асос бўладиган саволлар тузиш топширилади.

Бунда ўқитувчи томонидан талабага тестга қўйиладиган талаблар ва уни тузиш қонун-қоидалари, қандай мақсад кўзда тутилаётганлиги, муаммоли саволлар тузишда мавзунинг мунозарали моментларини қандай ажратиш лозимлиги, топшириқларни тузиш усуллари бўйича йўл-йўриқ берилади. Консултация пайтларида бажарилган ишларнинг қўйилган вазифа ва талабларга жавоб бериш даражаси назорат қилинади (қайта ишлаб келиш, аниқлаштириш ёки тўлдириш таклиф этилиши мумкин).

Тест, савол ва топшириқлар мажмуаси кафедрада экспертлар иштироқида ҳимоя қилинади.

Илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш. Талабага бирон бир мавзу бўйича (мавзуни талабанинг ўзи танлаши ҳам мумкин) илмий (рефератив) характерда мақола, тезис ёки маъруза тайёрлаш топширилиши мумкин. Бунда талаба ўқув адабиётлари, илмий-тадқиқот ишлари, диссертациялар, мақола ва монографиялар ҳамда бошқа ахборот манбаларидан мавзуга тегишли материаллар тўплайди, таҳлил қилади, зарурларини ажратиб олиб, тартибга солади, шахсий тажрибаси ва билими, илмий натижаларига асосланган ҳолда қўшимчалар, изоҳлар киритади, ўз нуқтаи-назарини баён этади ва асослайди. Бунда талаба ўқитувчи билан ҳамкорликда ишлайди.

Тайёрланган мақола, тезис ёки маъруза кафедрада ҳимоя қилинади.

Амалий мазмундаги ностандарт масалаларни ечиш ва ижодий ишлаш. Бир мавзу ёки бўлим бўйича ностандарт, алоҳида ёндашиш талаб қилинадиган, назарий аҳамиятга эга бўлган амалий топшириқлар, ижодий ёндашиш талаб қилинадиган илмий-ижодий вазифалар, моделлар, макетлар, намуналар яратиш вазифаси топширилиши мумкин.

Амалий топшириқлар масалани ҳал қилишнинг оптимал вариантларини излашга ва топишга қаратилган бўлиши керак.

Талабанинг қизиқиш ва қобилиятига қараб, унга илмий характердаги топшириқлар бериш, ўқитувчи билан ҳамкорликда илмий мақолалар тайёрлаш ва чоп этириш мумкин.

Мустақил таълимми ёки мустақил иш?

Таъкидлаш лозимки, аксарият профессор-ўқитувчилар ўзаро мулоқот жараёнида терминологик ноаниқлика йўл қўядилар, кўпинча мустақил иш тушунчаси ўрнига мустақил таълим иборасини ишлатадилар. Шунинг учун тавсияларимиз якунида ушбу масалага аниқлик киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Фикримизча, мустақил таълим кенг қамровли тушунча бўлиб, у таълим олиш турларидан бирини ташкил этади. +олаверса, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги +онунига мувофиқ, таълим-инсон, жамият, давлат манфаатлари йўлидаги аниқ мақсадга йўналтирилган таълим ва тарбия жараёни. Бундан ташқари «таълим» термини ўзида таълимга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида амалга ошириладиган аниқ мақсадга йўналтирилган ва мунтазам фаолиятнинг барча турлари маъносини ўзида ифода этади. Хуллас, таълим, аввало, ўқувчиларда билимлар, уқувлар ва малакалар тизимлари шаклланишида ифодаланадиган таълим жараёнининг нисбий натижасидир.

Демак, мустақил иш иборасини қўллаш ушбу фаолият турининг моҳиятини тўлиқ ифодалайди.

Масалан: “Она тили фани ва унинг бўлимлари” мавзусини талабаларга конспект қилиб келиш топширилганида улар қуйидагича иш олиб боришлари мумкин:

Мавзу: Она тили ва унинг бўлимлари

Режа:

1. Тилшунослик ҳақида умумий маълумот.
2. Хусусий тилшунослик фани бўлимлари.

3. Эски туркий тилшунослик.
4. Эски ўзбек тилшунослиги.
5. Замонавий ўзбек тилшунослиги.

Тил сўзлаш, фикрни ифодалаш воситаси сифатида ҳам ўзига хос бир олам. Унинг хусусиятини ўрганувчи ва ўргатувчи фан тилшунослик (лингвистика) дейилади. Тилшунослик фани бир неча таркибий қисмларни, яъни бўлимдан иборат.

Тилшунослик фани умуман инсониятга хос тилни ёки маълум бир халқ тилини ўргатиш нуқтаи назаридан умумий ва хусусий турга бўлинади.

Умумий тилшунослик тилнинг пайдо бўлиши, қариндошлик алоқаси ва умумий назарий масаласини ўрганади.

Хусусий тилшунослик эса муайян бир тил хусусиятини текширади. Жумладан, ўзбек тилшунослиги хусусий тилшунослик бўлиб, ўзбек тилининг товуш тизими, лексикаси, грамматик қурилиши, шеваси, имло ва талаффуз қоидаси, услубини ўрганади.

Ўзбек тилшунослик фани қуйидаги бўлимларни қамраб олади:

1. Фонетика. 2. Орфоэпия. 3. Графика (ёзув). 4. Орфография (имло).
5. Лексикология. 6. Фразеология. 7. Лексикография (Луғатшунослик).
8. Морфемика (сўз таркиби). 9. Сўз ясаши. 10. Морфология. 11. Синтаксис. 12. Пунктуация (тиниш белгилари). 13. Услубият. 14. Диалектология (шевашунослик).
15. Этимология (сўзларнинг келиб чиқиши). 16. Тил тарихи. 17. Сотсиолингвистика.

Ўзбек тилшунослиги фани Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғатит турк” асари билан бошланади. Асар XI асрда яратилган бўлиб, 1914 йилда Туркиянинг Диёрбакир шаҳрида топилган. Мазкур асар уч том ҳамда кириш ва луғат қисмлардан иборат.

Муаллиф асарнинг кириш қисмида “Девон”нинг яратилиш сабаби, ўз иш услуби, асарнинг тузилиши, туркча сўзнинг тузилишида

кўлланадиган ҳарф, китобда айтилган ва айтилмаган нарса, туркий табақа ва қабилаларнинг баёни, туркий тилнинг хусусияти, тил ва лаҳжадаги фарқ ҳақида фикр юритади.

Асарнинг луғат қисмида 7500 сўз саккиз бўлимда изоҳланади. Асарда сўзлар исм, феъл, ёрдамчи сўз туркумига ажратилган.

Эски туркий тилшунослик тараққиётида яна Маҳмуд аз-Замахшарийнинг “Муқаддиматул-адаб” асари, тилшунос Жамолиддин Муҳаммад Абдуллоҳ Туркийнинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Эски ўзбек тилшунослигининг шаклланиши ва тараққиётида Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Атойи бинни Муҳибий, Мирзо Маҳдихон, Исоқхон Ибрат қабилаларнинг лингвистик қараши ва асари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбек тилшунослиги том маънодаги фан сифатида XX асрнинг 20-30-йилларида шакллана бошлади ва асрнинг охирига келиб ўзининг юқори чўққиларидан бирига эришди.

XX аср ўзбек тилшунослигининг шаклланишида Абдурауф Фитрат, /ози Олим Юнусов, Улуғ Турсунов, Й.Д.Поливанов, +аюм Рамазон, Фаҳри Камолов ва Айюб /уломовларнинг хизмати беҳад катта.

Ёки она тили фанидан «Лексикология» бўлими бўйича «Омоним сўзлар» мавзусида реферат тайёрлаш талабага топшириқ қилиб берилса, у куйидагиларга қатъий амал қилган ҳолда ишни олиб бориши керак бўлади:

1. Мавзуга оид адабиётлар билан ишлаш даражаси:
 - 1) Вилоят ва университет кутубхонасига аъзолиги;
 - 2) Талабанинг картотекадан фойдалана олиш даражаси;
 - 3) Адабиётлар билан ишлаш ҳолати.

Демак, талаба юқоридаги мавзуга оид адабиётларни топиши учун дастлаб кутубхонага аъзо бўлиши, у ердаги картотекаларда фойдалана билиши, шу картотекалар ёрдамида керакли адабиётни топиши, улар билан батафсил танишиб чиқиши, шу асосда режа тузиб, маълум

тартибда рефератни ёза билиши керак бўлади.

Албатта, бу ўринда у интернет материалларидан ҳам фойдаланиши керак. Чунки бугунги кун талабага кўра ҳар бир талаб интернетдан тўла фойдаланишни билиши керак. Бу эса мавзунини тўлароқ ёритиб беришига замин яратади. Шунингдек, интернетда олинган манба мавзуга мос келиши керак ҳамда бошқа тилда берилган бўлса (масалан: рус тилида) берилган бўлса уни таржима қилиш имкониятига эга бўлиши керак. Бу ҳам ўз навбатида талабани рус ва бошқа тилларни ҳам ўрганишга ундайди.

Талаба мавзунини режа асосида ёритиб бергач, ўз навбатида ишни олиб бориш жараёнида фойдаланган адабиётлар рўйхатини алфавит тартибида бера билиши керак.

Масалан талаба мавзу бўйича рефератни тайёрлаб бўлгач, куйидагича адабиётлар рўйхатини бериши мумкин:

Фойдаланилган адабиётлар:


1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.- Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда.- Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
3. 4.Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили.- Тошкент: Ўзбекистон, 1992.
4. Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
5. Ҳамроев М., Муҳамедова Д., Шодмонқулова Д., /уломова Х., Йўлдошева Ш. Она тили: Дарслик.- Тошкент, 2008


Адабиётлар рўйхатини шу тартибда давом эттириш мумкин. Бу ўринда биз адабиётлар рўйхатига алоҳида эътибор беришимиздан мақсад, кўп талабалар ўзлари ёзган рефератга кўпи билан 3 та адабиётни илова қилишади холос. Ваҳоланки, бир мавзу учун бир нечта адабиётдан фойдаланилади.

Шунингдек, талабалар куйидаги тарзда бошқотирма ёки бошқа йўсиндаги кўргазмали материалларни тайёрлаб кафедрада ҳимоя қилишлари мумкин:

МАВ 3 У: УНДАЛМА


1. Сўзловчининг ҳис-ҳаяжонини, буйруқ-истагини билдирувчи сўзлар нима деб аталади?
 2. Ундов сўзлардан бири.
 3. Ундов сўзларнинг хусусиятларидан бири.
 4. Ундовлар англатган маъноларига кўра неча турга бўлинади?
 5. Оббо, энди бир ками сизмидингиз?
- Ушбу гапда ундалма қандай маънода келяпти?
6. Ундов сўзларни ишлатилиш мақсадларидан бири.
 7. Ундов сўзлардан қайси сўз туркуми ясалиши мумкин?
 8. Буйруқ-хитоб ундовларидан бири.





МАНЗУ: Бўлақларга ажралмайдиган гаплар.

1. Эҳтимол, сенинг гапларинг тўғридир гапида қайси сўз вергул билан ажратилади?
2. Кириш сўз гап бўлақлари билан грамматик жиҳатдан боғланадими?
3. Сўзловчи баён қилаётган фикрга турлича муносабатни ифодалаш учун қандай бирикмалардан фойдаланилади?
4. Афсуски, хали ўзлаштирилмаган ерлар кўп. Бу гапдаги кириш сўзни аниқланг.



	М							
	А							
	Й							
	Д							
3	И							

“Она тили” фани бўйича қуйидаги тарзда мунозарали саволларни ҳам тайёрлаш мумкин:

1. Тилшунослик қандай фан?
2. Лингвистика ҳақида нималарни биласиз?
3. Умумий тилшуносик нимани ўрганади?
4. Хусусий тилшунослик қандай бўлимларга эга?
5. Замонавий ўзбек тилшунослиги ва унинг вакиллар кимлар?

Талабалар мустақил ишни ташкил этиш ва ўтказишда юқоридагилардан келиб чиқиб олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу орқали талабаларни мустақил ишга ҳам жиддий муносабатда ёндашишлари таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги Қонуни// Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997.
2. “Талабалар билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом.- Тошкент, 2009.
3. Саидов М.Х. ва бошқалар. Олий таълим. Луғат-маълумотнома. Академик С.С.Ғуломов умумий таҳрири остида.- Тошкент: Молия, 2003.
4. Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш

бўйича йўриқнома.- Тошкент, 2009.